19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартлари ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга ривоят этилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баланглик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баланглик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишга ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва балангликлар, геодезия белгиларининг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олди Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рұхсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечики хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келтирилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиш оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юрилади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санас материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида фикирини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини ўз зиммасига олади.

#### IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидagi материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида \_\_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида \_\_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишида Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XV. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармасе ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:  
- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;  
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий ба тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бош жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятни бажарилмаган қисмининг 10 % миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизмат қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.  
60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчи ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоиз миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчининг ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмасе у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлаш бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорига ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартнома бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

#### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмасе улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзақ билан битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатномаси билан субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаш билан бўлса ҳақиқий хисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига қарамай келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирсе, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасига бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

#### XVII. Қапурияга қарши курашиш

73. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (давлат органи ёки ташкилотнинг номи) ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини қўзлаб мушаррафлик ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олиш қийинчиликларни қилмайди;

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига

кафолат беради.

74. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки тақшлотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишига мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак: коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони; Телеграм-канал (давлат органи ёки тақшлотининг номи) расмий сайтыда жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

#### XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Вобкент туман МТБ

Вобкент туман Г.Гулом куачи № 9

Банк: Тошкент Марказий банк

Х/Р 100022860062127091100251024

МФО 00014

ИНН 305158075.

Раҳбар: Н.Жумаев

М.У. \_\_\_\_\_ (имзо)

Пудратчи:

ООО Санатжон Дамиржон мжч

Шофиркон туман Талисафед МФЙ

Банк: Азия Аллиансе АТБ Бухоро ф

Х/Р: 20208000700978216001

МФО: 01137

ИНН: 306012375

Раҳбар: Гайбуллаев С

М.У. \_\_\_\_\_ (имзо)



**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarni qonun hujjatlariga muvofiqligi  
to'g'risida huquqiy xulosa**

1. Loyiyaning turi: Shartnoma

2. Loyiyaning nomi:

Vobkent tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va OOO Sanatjon Demirjon MCHJ o'rtasida tuzilgan 364.890.000 so'mlik 35-son DMTTni joriy ta'mirlash to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Mazkur shartnoma Vobkent tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022-yil 24-avgust markazga taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti  
24.08.2022 yil.



B.G'aybullayev



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI  
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Бухоро вилояти

100011, Toshkent shahri, Abay ko'chasi, 6-uy, Tel. 244-04-85, E-mail: davexpertiza@exat.uz,  
devexpertiza@umail.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Fayziyev Said Aminovich

Sana: 02-08-2022 yil



**Yig'ma ekspert xulosasi № 54304**

**Obyekt nomi** «Buxoro viloyati Vobkent tuman "Terakli" MFY hududida joylashgan №35-sonli MTTni joriy ta'mirlashda q'oshimcha bajariladigan ishlar»

**Buyurtmachi** - MTB markazlashtirilgan xisobxonasi Vobkent tumani.

**Bosh loyihachi** - МЧЖ "BUHARAПРОЕКТ".

**Litsenziya** O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan 2020-yil 11-iyunda berilgan. AL-000813.

**Moliyalashtirish manbai** - Maxalliy mablag'lari.

**Bosh pudratchi** - tanlov savdolari natijalariga asosan.

**Qurilish turi** joriy ta'mirlash.

**Murojaat raqami:** № 53406

**1. Loyihalash uchun asos**

- 1.1 Vobkent tuman maktabgacha ta'lim b'olimining 2022 yil 28 iyulda № 01/4-301 sonli xat.
- 1.2 Buyurtmachi tomonidan berilgan loyiha topshirig'i.
- 1.3 Belgilangan tartibda tasdiqlangan nuqson dalolatnomasi.

**2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar**

- 2.1 Рабочий проект.
- 2.2 Smeta hujjatlari.

**3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni**

Loyihada loyiha topshirig'iga, belgilangan tartibda tasdiqlangan nuqsonli dalolatnomaga muvofiq ishlarning tarkibi va turlari ko'zda tutilgan.

Qo'shimcha ishlar ro'yxati. Mavjud asbest-sement plitalaridan tom qoplamalarini demontaj qilish.

Tom - rekalar o'rnatish, yong'indan ximoyalash, yog'och konstruksiyalar o'rnatish, strapila yog'och rekalar o'rnatish, yong'indan ximoyalash, profnastil tom qoplamasi bilan qoplash, tarnovlar o'rnatish, listdan padakolniklar o'rbatish, tom uchun fortochka o'rnatish, qor ushlagichlar, oqova suvlari uchun politelen quvirlar, metal ro'shotkalar o'rnatish, moyli bo'yoq biln bo'yash

Otmostkalar, shag'al to'shama bilan bo'yash, bardo'rlar o'rnatish.

Chiqindilarni tashish va yuklash

Asosiy kirish zinalar KP-1,2,3,4,5 - sementli qatlam bilan yopish isitish tizimini ta'mirlash - isitish

quvurlarini demontaj qilish, alyuminiy radiatorlarni demontaj qilish, po'lat quvurlardan quvurlarni yotqizish, alyuminiy radiatorlarni o'rnatish, armatura o'rnatish.



#### 4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

**Smeta hujjatlari** Ko'rib chiqish uchun taqdim etilgan smeta hujjatlari "SHNK" smeta resurs normalari to'plamlari bo'yicha resurs usuli yordamida joriy narxlarda tuzilgan. Smeta hujjatlari doirasida quyidagilar taqdim etiladi: lokal resurslar qaydnomasi, zarur resurslar ro'yxati, joriy narxlarda ob'ektning tavsiya etilgan narxini hisobkitobi. Ob'ektning tavsiya etilgan narxi, qurilish ishchilarining o'rtacha oylik ish haqi, pudratchining "boshqa xarajatlari" ulushi, qurilish materiallari va uskunalar narxlari, mashinalarni va mexanizmlarini ekspluatatsiyasi, qurilish mahsulotlari uchun transport xarajatlari miqdori buyurtmachi tomonidan 2022 y 28 iyulda tasdiqlangan 01/4-301 sonli ma'lumotlarga asosan qabul qilindi. Tavakkalchlik koeffitsiyenti qabul qilinmasin.

#### 5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

Loyiha ko'rib chiqildi va tasdiqlandi: Izohlarsiz buyurtmachi bilan:

#### 6. Ekspertiza natijalari.

6.1 Ekspertiza jarayonida mahalliy ekspert xulosalari bo'yicha ish tartibida loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

- qurilish materiallarining narxi tuzatildi.

6.2. Ekspert tekshiruvi natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatsiz qo'shimcha qiymat solig'i bilan 408 699,696 ming so'm miqdorida taqdim etilgan smeta qiymati 37 726,118 ming so'mga kamaytirilib, **370 973,578** ming so'm qilib belgilandi.

Shu jumladan:

Qurilish montaj ishlari - 322 585,720 ming so'm.

Qo'shimcha qiymat solig'i - 48 387,858 ming so'm.

6.3 Yakuniy narx buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilishni tugagandan so'ng, nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha-smeta hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 sentabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga, 2022 yil 31 yanvardagi 46-sonli qaroriga, ShNK 1.03.06-13ga muvofiq «Shaharsozlik hujjatlari ekspertizasi»ga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchligi bo'yicha) va ishlab chiquvchi loyiha tashkilotlariga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

#### 7. Xulosalar.

Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda «**Buxoro viloyati Vobkent tuman "Terakli" MFY hududida joylashgan №35-sonli MTTni joriy ta'mirlashda q'oshimcha bajariladigan ishlar**» ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqib tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Arxitektura va qurilish qismi bo'yicha: Z.Viryaskina.

Smeta qismi bo'yicha: B.Karimov.

**Bosh mutaxassis:** Viryaskina Zoya Petrovna 438354628

**Ishtirokchi ekspertlar:**

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:  
Вобкент туман Мактабгача талъим булими  
Н.Жумаев  
2022 йил



Вобкент туман Бухгалтерия хисобидаги 35-сон ДМТТ жорий тамирлаш

№	Маъдумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Вобкент туман мактабгача талъим булими. Бухгалтерия хисобидаги 35-сон ДМТТ жорий тамирлаш ишлари
2	Буюртмачи	Вобкент туман мактабгача талъим булими Бухгалтерия
3	Алохида талаблар	Иш тажрибаси ,Иш стажи, Ишларни бажариш муддати, Моддий-техника базаси, ишчи ходимлар тоғрисида малумотнома ва ишчилар сони, Кафолат муддати , (684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт ). Кушимча ва бошка талаблар элон etender.uzex.uz порталида жойлаштирилади

«ТАСДИҚЛАНДИ»  
Буюртмачи номи:  
Вобкент мактабгача таълим булими



Н.Жумаев  
2022 йил

Вобкент мактабгача таълим булимига карашли 35-сон ДМТТ ни жорий тамирлаш

объекти буйича:

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

**ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ  
ЧИҚДИ**

" Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ.  
бухгалтерия."

2022 йил

## БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия  
(Буюртмачи ташкилот номи)

### Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон қилади

Объект номи: **Вобкент** туман мактабгача талим булимига карашли 35-сон ДМТТ ни жорий тамирлаш

370000000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –5 календарь кун.

Буюртмачи: Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия

• , Тел (906362008)

•

#### Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш таклифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:
- ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.


Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

◆ .

- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия:



## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ.га қарашли 35-сон ДМТТ ни жорий тамирлаш  
(буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Бажариладиган иш номи: Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. Бухгалтерия ҳисобидаги болалар богачини 35-сон дмтт жорий таъмирлаш

Хизмат курсатиш бошланғич нархи 370000000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –5 календарь кун.

Буюртмачи: **Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия,**

**Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги;

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Меҳнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари қўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.


Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг Бажариладиган иш хизматларни руйхатини, хусусан, Бажариладиган иш хизматларнинг руйхатини тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) махсус ахборот портали орқали куриб чиқилади ўтади.

**Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия:**



## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. бухгалтерия
2.	Объект номи:	Вобкент тум. мак.гача таъ. марказ. Бухгалтерия ҳисобидаги болалар 35-сон ДМТТ жорий тамирлаш
3.	Танлаш тартиб рақами:	№
4.	Танлаш тури:	Очик танлаш.
5.	Танлаш ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	
7.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> махсус ахборот порталида эълон қилинади.
8.	Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур курувчи-муҳандисларга ва ўхшаш объектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортик пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
9.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Сертификат Лицензия
10.		
11.	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишнинг охириги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар.
12.	Танлаш ҳужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
13.	Танлаш предметининг объектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати”.
14.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рухсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш ҳужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
15.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ККС билан 370000000
16.	Буюртмачи томонидан белгиланган бажарилладиган иш муддати	5 календарь кун.
17.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджет маблағлари
18.	Бажарилладиган иш молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги қийматининг 30 % аванс (бўнак) Охириги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов қафолат муддати тугаганидан сўнг.
19.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
20.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:  
Вобкент туман Мактабгача талым булими  
Н.Жумаев  
2022 йил



Вобкент туман Бухгалтерия хисобидаги 35-сон ДМТТ жорий тамирлаш

№	Маъдумотлар руйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Вобкент туман мактабгача талым булими. Бухгалтерия хисобидаги 35-сон ДМТТ жорий тамирлаш ишлари
2	Буюртмачи	Вобкент туман мактабгача талым булими Бухгалтерия
3	Алохида талаблар	Иш тажрибаси ,Иш стажи, Ишларни бажариш муддати, Моддий-техника базаси, ишчи ходимлар тоғрисида малумотнома ва ишчилар сони, Кафолат муддати , (684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт ). Кушимча ва бошка талаблар элон etender.uzex.uz порталида жойлаштирилади